

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11669204>

Байалиев Джахонгир Кайнарбекович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
jahangirbayaliev1972@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини, бу борада кенг кўламли ислоҳотлар бошланиб, соҳада жиддий ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Янги Ўзбекистон тараққиётини илм-маърифат ва таълимнинг сифатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда ривожланган давлатларда ҳам таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқларига боғлиқдир. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ислоҳотларида ҳам таълим-тарбия бериш фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимизнинг асрлар давомида шакланган илм сари интилиш фазилати узоқни кўзлаган юксак мақсадларимизни намоён бўлмоқда. Ёшларимиз интеллектуал билм-салоҳиятли бўлиши, мустақил ҳаётга қадам қўйганда муносиб ҳаёт кечириш, касб-ҳунар эгаллаб доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиши, инсоний қадр-қимматини камситишига йўл қўймаслик ҳамда баркамолликка эришиш учун таълим олишни энг асосий ҳал қилувчи сифатида қабул қилмоқда. Илм-фан ва таълим соҳасидаги интеграция жараёни шунингдек, ушбу таълим тизимнинг ижтимоий ўзгаришларда ролини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз кетади.

Калит сўзлар: *Таълим, узлуксиз таълим, таълим сифати, «Таълим тўғрисида»ги қонун, интеграция, Тараққиёт стратегияси, илм-фан, олий таълим, инсон капитали.*

РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Байлиев Джахонгир Кайнарбекович

Ташкентский государственный экономический университет

кандидат философских наук, доцент

jahangirbayaliev1972@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье показано, что вопрос развития образования в Узбекистане поднялся на уровень государственной политики, в этом плане начались масштабные реформы, обсуждаются серьезные изменения в сфере. Развитие нового Узбекистана невозможно представить без качества науки и образования. Недаром сегодня в развитых странах развитие образования определяется как первоочередная задача. Ведь от ее достижений в этой области зависит будущее развитие страны. Сегодня даже в реформах Нового Узбекистана, дальнейшем совершенствовании образовательной деятельности, проявляется качество стремления нашего народа к знаниям, формировавшееся веками. Наша молодежь считает образование важнейшим фактором, позволяющим ей быть интеллектуально компетентной, вести достойную жизнь при вступлении в самостоятельную жизнь, получить постоянную работу после приобретения профессии, взять на себя ответственность, не допускать дискриминации человеческого достоинства, и достичь совершенства. Процесс интеграции в сфере науки и образования также говорит о значимости этой образовательной системы в повышении роли социальных изменений.

Ключевые слова: Образование, непрерывное образование, качество образования, Закон «Об образовании», интеграция, Стратегия развития, наука, высшее образование, человек, капитал.

REFORM IN THE EDUCATION SYSTEM IN THE NEW UZBEKISTAN

Bayaliev Jahongir Kaynarbekovich

Tashkent State Economic University

Candidate of Philosophy, Associate Professor

Jahangirbayaliev1972@gmail.com

ANNOTATION

This article highlights that the development of education in Uzbekistan has become a focal point of state policy, leading to the initiation of large-scale reforms

and substantial discussions on the matter. The advancement of the new Uzbekistan is inseparable from the quality of its science and education sectors. It's not without reason that in developed nations, educational development is considered a top priority, as the future progress of a country hinges on its achievements in this realm. Even within the reforms of the New Uzbekistan, there's a clear emphasis on enhancing educational activities and nurturing the longstanding desire for knowledge among our people, cultivated over centuries. Today, our youth perceive education as the cornerstone for intellectual competence, dignified livelihoods in independent life, securing permanent employment post-professional training, assuming responsibility, upholding human dignity, and striving for excellence. The integration process in the realms of science and education underscores the pivotal role of this educational system in driving social change.

Key words: Education, continuing education, quality of education, Law “On Education”, integration, Development Strategy, science, higher education, people, capital.

КИРИШ

Янги Ўзбекистон тараққиётини илм-таълим ва маърифатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда ривожланган давлатларда ҳам таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқларига боғлиқдир.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ислохотларида ҳам таълим-тарбия бериш фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати узоқни кўзлаган юксак мақсадларимизни намоён бўлмоқда. Ёшларимиз интеллектуал билм-салоҳиятли бўлиши, мустақил ҳаётга қадам қўйганда муносиб ҳаёт кечириш, касб-ҳунар эгаллаб доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиши, инсоний кадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик ҳамда баркамолликка эришиш учун таълим олишни энг асосий ҳал қилувчи сифатида қабул қилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. таълим ва илмий маконга интеграциялаш истиқболларни ҳисобга олган ҳолда, Болония жараёнининг асосий тамойиллари, модернизация жамият ва инсон ҳаётининг барча институтлари, тизимлари, тузилмаларининг тубдан ўзгаришини, туб ўзгаришларни назарда тутиши оқибатида, иқтисодий, технологик

мураккабликлар - инсон ва ижтимоий ҳаётнинг жиҳатлари, балки бутун жамиятни қамраб олиши, изчиллик, умумий ижтимоий-маданий тизимдаги бир омилнинг ўзгариши беихтиёр бошқа омилларнинг маълум ўзгаришларини келтириб чиқарди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, халқаро қўшма дстурлар интеграциялаштириш бўйича амалий ишлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Жумладан, таълим тизимидаги ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирлар қуйидаги йўналишлар бўйича белгилаб берилди. Жумладан,

1) мактабгача таълим соҳасида;

2) умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

3) олий таълим;

4) олий таълимдан кейинги таълим;

5) кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби тамойиллардир.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ислоҳотларнинг, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасида бошланиши истиқболлидир.

Бугунги глобаллашув жараёнида болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бутунжаҳон таълим форумида Инчхон декларациясининг қабул қилиниши (2015 йил 19-25 май Корея Республикасининг Инчхон шаҳри), ЮНЕСКО — “Таълим-2030”, Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларида таълимнинг янги концепцияси, Барқарор ривожланиш учун таълим (ЭСД) ва Глобал Фуқаролик Таълими (ГЕС), ЮНЕСКОнинг ЭСД бўйича Бутунжаҳон конференциясида (2014 йилда Аичи Нагоя) сифатли таълим ижодкорлик ва билимларни рағбатлантиради ва асосий саводхонлик ва ҳисоблаш қобилиятларини, шунингдек таҳлилий кўникмаларни, муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ва бошқа юқори даражадаги билим, шахсларо ва ижтимоий кўникмаларни эгаллашни кафолатлайди. Глобаллашув ва модернизация бугунги кунда глобал миқёсда эгаллаши барча маданиятлар замонавийлашишини ёки шу йўналишда ҳаракат қилиши, вақт бўйича давомийлик бугунги ривожланиш суръати ўтган асрларга қараганда бекиёс даражада юқори бўлса-да, туб ўзгаришлар шахсларо муносабатларга таъсир қилиши, замонавий жамиятнинг етук малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб боришини ҳамда таълимда ўзаро тажриба алмашишнинг кенгайиши, ижтимоий-маданий

интеграциялашувнинг жадаллашиши эса олий таълимда ўзига хос мураккабликларни юзага келтирмоқда.

Кейинги пайтларда Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада кенг кўламли ислохотлар бошланиб, соҳада жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси[1] олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, вазифалари, яқин ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилашда ҳамда соҳага доир дастурлар ва комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш учун муҳим асос бўлди.

2020 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун [2] эса ушбу соҳа тараққиётида, ёшларимиз замонавий билимларни эгаллашда ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб берди.

Ушбу қонун ҳужжатлари ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “кейинги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, 2021 йилда 182 минг нафар ёш учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу умумий қамров 28 фоизга етди деганидир. Ваҳоланки, 4 йил аввал олий таълимда 100 нафар боладан фақатгина 9 нафарида ўқишга имконият бор эди” [3].

Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида “**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**”ги Қонунни келтиришимиз мумкин. Мазкур Қонунда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, юртимизда илк бор **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг** ҳам ташкил этилганлиги ушбу соҳадаги асосий ислохотлардан бири бўлди десак, асло муболаға бўлмайди.

Таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва модернизасия қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири бу – “**Таълим тўғрисида**”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши бўлди. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва

уларнинг филиаллари Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан ташкил этиладиган бўлди. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Нодавлат таълим ташкилотларига лисензия Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан бериладиган бўлди.

Ушуб Қонун билан 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлар ўз кучини йўқотди.

Шунга кўра, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда амалиётга жорий этилиши таълим соҳасида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлди дейишимиз мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, *“фарзандлари-миз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асос-ланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиши имкони тугилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди”* [4].

Янги Ўзбекистонда таълим ислоҳотларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони[5]га мувофиқ, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси қабул қилиниши янги босқични бошлаб берди. Фармонга асосан «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини “2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 300-сонли қарори қабул қилинди.

НАТИЖАЛАР

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида жами 5 та устувор йўналиш, 100 та мақсад, 369 та чора-тадбир, 190 та вазифа, 306 та мақсадли кўрсаткич бажарилиши ва бу борада 118 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Ушбу дастуриламал ҳужжатнинг ижросидан юртимиздаги ҳар бир инсонга қулай имконият, муайян енгилликлар, моддий ва маънавий манфаат етиб, ҳар қайси оила ва хонадон ободлик, тўкинлик, файз ва барака топади.

Биринчи устувор йўналиш: Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган 44 та мақсад, яъни 1-мақсаддан – 44-мақсадгача ушбу устувор йўналиш таркибига киради. Бунда *таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати, маънавият масалаларига*

тааллуқли 156 та амалий чора-тадбир ва 70 та вазифа қамраб олинган бўлиб, 130 та мақсадли кўрсаткични ишлаб чиқиш белгиланган. Шунингдек, 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш кўзда тутилган.

Масалан, Қонунчиликда ўқитувчиларга берилган айрим имтиёзлар мавжуд:

◆ 1 октябр “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” этиб белгиланган ҳамда ушбу кун байрам (дам олиш) куни ҳисобланади.

◆ Болаларга таълим-тарбия берадиган барча педагог ходимлар доимий равишда бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

◆ Педагоглар учун 56 кунлик йиллик ҳақ тўланадиган узайтирилган таътиллار берилади.

◆ Педагоглар ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан 36 соат қилиб белгиланади.

◆ Мактаб ўқитувчиларига фаолиятни баҳолаш мезонлари асосида 10 фоиздан 40 фоизгача, кутубхоначи ва психологларга 10 фоиздан 20 фоизгача устама белгиланади.

◆ Фан олимпиадаси ғолибини тайёрлаган ўқитувчилар рағбатлантирилади.

◆ Ўқитувчилар касал бўлиб қолганида моддий ёрдам берилади.

◆ Олимпиада ғолиби бўлган ўқитувчиларга 150 фоизгача устама берилади.

◆ Ўзи дарс берадиган фани бўйича халқаро тан олинган ва миллий сертификатга эга бўлган ўқитувчиларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама тўланади.

◆ “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танлови ғолиби бўлган мактабга ярим миллиард сўм берилади.

◆ Инклюзив синф ўқитувчиларига 40 фоизгача устама берилади.

◆ Олис ҳудудларда дарс бераётган ўқитувчиларга 50 фоизгача устама берилади.

◆ Математика, физика, кимё ва биология фанлари бўйича халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларга пул мукофоти берилади.

◆ Кўп йиллик стажга эга педагоглар мажбурий аттестатсияга жалб қилинмайди.

◆ Халқаро фан олимпиадаларини тайёрлаган ўқитувчиларга малака тоифаси аттестатсиясиз берилади.

◆ Республика фан олимпиадаси ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар малака тоифаси бир поғона оширилади.

◆ Тиббиёт соҳаси профессор-ўқитувчиларига даволаш-ташхис ишларини бажарганликлари учун қўшимча ҳақ тўланади.

◆ Таълим муассасаларининг чет тиллар фанлари ўқитувчиларига ойлик устамалар берилади.

◆ Ўқитувчиларнинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик бор бўлиб, у қонун билан қамқолатиб қўйилди.

Янги Ўзбекистон айнан мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, мамлакат тараққиёти илм-фан ва инноватсияга таянади. Зеро, мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни **Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси**, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз эса **янги Уйғониш даври, глобаллашув даврида мамлакатимиз рақобатбардошлигининг тўрт таянч устунидир.**

Мамлакатимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган таълим-тарбия соҳаси — мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қисқа муддатда таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгартирилгани:

- болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 72 фоизга олиб чиқилиши;

- мактаб таълимида қўшимча 700 минг ўқувчи ўрни яратилиши, 200 га яқин мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар ҳамда 400 та хусусий мактаб ташкил қилиниши;

- математика-физика ва кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиниши ва амалга оширилиши;

- таълимга замонавий методика, сифат ва рақобат кириб келиши, дарсликларнинг энг илғор хорижий тажрибалар асосида тўлиқ янгиланиши, мактабларга минглаб хорижий муаллимлар олиб келиниши, мураббийлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши;

- ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан 2022 йилда 38 фоизгача — 4,2 баробар, олий таълим муассасалари сони эса 3 баробар (77 тадан 210 тага) ошгани, 65 кўпроқ нодавлат ОТМ ташкил қилиниши (2016 йилда умуман бўлмаган), хорижий ОТМ филиаллари сони 4,2 баробар кўпайиши кабилар бу борада амалга оширилган ишлар кўлаמידан дарак беради.

Натижада бугун қанча-қанча оддий оилалар фарзандлари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлмоқда, 1 миллиондан ортиқ йигит-қизимиз олий таълимда таҳсил олмоқда (2016 йилда 270 минг нафар), нуфузли хорижий олийгоҳларга кирмоқда. Уларнинг ота-оналари қувончи чексиз.

Шу билан бирга, бу соҳадаги ўзгаришлар амалга оширилаётган ишлар дебчасидир. Бугун таълим сифатини янада ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Халқаро экспертлар билан ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, бугун ҳаётимиздаги мавжуд шароитлар болаларга фақат 60 фоиз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имкон бермоқда.

МУҲОКАМА

Биринчидан, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, қамровни 100 фоизга етказиш ва боғчаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш. Ушбу мақсадда:

- 7 фоизлик ставкада 10 йил муддатга кредит бериш учун имконият яратилиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини солиқлардан тўла озод қилиш тартиби ишлаб чиқилади;

- 2030 йилга қадар қўшимча 2 мингта боғча қуриш чоралари кўрилади;

- эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун боғча, жумладан, хусусий боғча харажатлари давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади;

- ҳар бир боғчани компьютер синфи билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Бу, ўз навбатида, болаларни эрта ёшдан бошлаб замонавий ахборот технологияларига ўргатишга ва уларнинг келажақда юксак салоҳиятга эга бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, боғча ва мактаблар инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, филтрланган ичимлик сув, санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш ҳамда болаларнинг соғлом овқатланишига кўмаклашиш мақсадида уларга оксил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут ва ёд билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилади.

Иккинчидан, мактабларда қўшимча 2,5 миллион ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифати тубдан яхшиланади. Шу мақсадда:

- “Йилига 500 минг ўқувчи ўрни” дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади;

- хусусий таълимга қўшимча енгилликлар берилиб, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида мактаблар қуриш кенг жорий этилади;

- бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан тўлиқ таъминланади ва бунинг учун зарур молиявий имкониятлар яратилади;

- чекка хуудларда “мактаб автобуслари” бепул йўлга қўйилади;

- 2030 йилгача барча туман ва шаҳарларда “Истеъдод — Интилиш — Истиқбол” номли ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиб, уларда Президент мактабларидан кам бўлмаган шароит яратилади ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун 70 фоиз квота ажратилади;

- барча мактабларга “тил эгалари” бўлган ўқитувчилар жалб қилинади, бу мақсадларга ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратиш чоралари қўрилади. Зеро, хорижий тилларни билиш — ёшларимиз учун дунё эшикларини очадиган калит.

Учинчидан, олий таълим ва илм-фан тизимларини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш. Шу мақсадда:

- дунёдаги “Топ-500”га кирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма ўқув дастури ва “икки дипломли тизим”ни (“доUBLE дегрее”) жорий этиш асосий вазифа бўлади. Бугунги кунда жаҳоннинг (АҚШ, Германия, Франция, Италия, Финляндия, Нидерландия, Туркия, Россия, Индонезия, Исроил ва бошқа қатор давлатлар) нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги “доUBLE дегрее” таълим дастурлари асосида ўқитиш қамрови кенгаймоқда.

Бу жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига хизмат қилувчи зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда;

- биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технологик йўналишларда истеъдодли ёшларни энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юбориш бўйича 200 миллион АҚШ долларилек дастурлар амалга оширилади. Ушбу ташаббуслар дунёнинг аксарият мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби” арафасида турган бир пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади;

- илм-фан ва инноватсияларни ривожлантиришга 1 миллиард АҚШ доллари ажратилиши учун молиявий имкониятлар янада кенгайтирилади.

Шунингдек, маданият, санъат ва адабиёт вакиллари, маънавият соҳаси ходимлари, барча зиёлиларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар кўриб борилади[6].

Келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи мазкур дастуриламал хужжатлар халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги,

хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади — қаерда истиқомат қилишидан қатъи назар Ўзбекистонда яшовчи барча инсонлар учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат. Унда Стратегиянинг мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари қулай шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилди. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш ана шулар жумласидандир.

Қайд этиш керак, Стратегиянинг салмоқли қисми айнан бутун Ўзбекистон бўйлаб, шу жумладан, олис жойлар ва ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда шароитларини тенглаштиришга, шу билан бирга, таълим соҳасига устувор аҳамият қаратилгани билан эътиборга молик.

Чунончи, дастуриламал ҳужжатга кўра, 2024 йил 1 январдан давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оксил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, ёд билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилади. Бу, ўз навбатида, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларини таъминлайди. Шу билан бирга, болалар ўртасида турли хасталиклар билан касалланиш даражасини камайтиришга хизмат қилади. Чунки фарзандларимиз соғлиғига ўз вақтида кўпроқ эътибор қаратилса, бу кўзланган самарани беради.

Шунингдек, Хоразм вилоятининг Қўшқўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан таъминланиб, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилади.

Умумий ўрта таълимни янги босқичга кўтариш мақсадида 2030 йилгача 208 та “Истеъдод-Интилиш-Истиқбол” мактаб-интернатларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Стратегияда барча шаҳар ва туманларда “шарт-шароитлари Президент мактаблариникидан кам бўлмаган” ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши режалаштирилган. Айтиш керакки, болаларга интеллектуал қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида таълим берилиши (траскинг) “қобилиятли” болаларни яхшироқ ривожлантириш, ўқитиш давомида уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва умуман, таълим сифатини ошириш имконини беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия — келажак, ҳаёт-мамонт масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 64% ёшлар ташкил этар экан, уларни юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотлар даврида ёшларни миллат, она Ватанга муҳаббат ва уларнинг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳамда ўз аждодларига муносиб замонавий ёшлар этиб улғайтириш мақсадида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига мос мактабларнинг барпо этилиши, шунингдек, истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси бугун эришилаётган натижалар, ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, янгиланаётган Ўзбекистонда келажак негизи бу юксак марраларни кўзлаб катта йўлга чиққан, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган биз ёшлармиз. Шундай экан, ҳозирги кундаги Президентимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ва ислохотлардан фойдаланган ҳолда барчамиз ягона мақсад йўлида виждонан ишга киришсак, албатта, зафар биз томонда бўлади. Шу сабабдан, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосини ташкил қилади.

Стратегия доирасида 2023 — 2024 ўқув йилида бутун мамлакат бўйлаб 120 дан ортиқ мактабда, тажриба тариқасида, юқори синфлар учун танлов фанларини жорий этиш назарда тутилган. Ёшлар ва спортга оид давлат сиёсати ислохотлари доирасида мактаб битирувчиларининг камида иккита чет тили ва битта касб-ҳунарни пухта эгаллашига эришиш акс этди.

Ҳужжатда, шунингдек, таълим соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар ва амалиётчилар, умуман, барча учун сифатли таълим олишнинг тенг имкониятлари яратилиши мамлакатда инсон капиталини ривожлантиришга янада яхшироқ ҳисса қўшади.

“Олдимизга қўйилган улуғвор мақсад, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш, фарзандларимиз орасидан янги Улуғбек, Ибн Синолар, Хоразмийлар, Навоий, Бобурларни етиштириш учун шарт-шароитларни яратиб бериш лозимлиги шубҳасиз. Бу айниқса бугунги Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш нуқтаи назаридан муҳим”.¹

Демак, юқоридагиларни таҳлил қилиб хулоса қиладиган бўлсак, таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислохотлардан асло қолишмайди. Чунки

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й, 6-сон).www.lex.uz.

ушбу соҳадаги ислохотларни янада кенг кўламда давом эттириш давр талабидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847- сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4545884>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5013007>
3. Жуманиёз Султонович Раматов, Машкура Инамжанована Рахимова, & Миршод Нўъмонович Ҳасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 1031-1036.
4. Янги Ўзбекистон <https://www.yuz.uz> news › talim-tizimi-va-yangicha-yo
5. ПФ-158-сон 11.09.2023. - 2030» стратегияси тўғрисида LEX.UZ <https://lex.uz/docs>
6. Устувор мақсадимиз – инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш O'zLiDeP <https://uzlider.uz> Партия янгиликлари
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й, 6-сон). www.lex.uz.